



## КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ ҲАМДА УШБУ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЎЙИЧА ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Отабоев Бобур Ибрат ўғли**

Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи,  
криминология ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси  
ўқитувчиси

E-mail: [otabayevbobur@gmail.com](mailto:otabayevbobur@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10686753>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> February 2024

Accepted: 20<sup>th</sup> February 2024

Online: 21<sup>th</sup> February 2024

### KEYWORDS

*Коррупция, жиноят, ҳуқуқ,  
мол-мулк.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада коррупциявий жиноятларни олдини олиш чоралари ҳамда ушбу жиноятлар жавобгарлик масаласи ва шу соҳада миллий қонунчиликни ривожлантириши масалаларига атрофлича тўхталиб ўтилган. Жиноят кодексини тегишли моддаларини такомиллаштириш масаласи муҳокама қилинган ва тегишли таклифлар берилган. Хорижий тажриба ёритилган.*

Коррупция – ҳар қандай давлатнинг сиёсий тузилиши, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасидан қатъи назар, бутун дунёда глобал муаммо ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши конвенцияси”нинг II боби “Коррупциянинг олдини олиш чоралари” деб аталиб, унинг 5-моддасининг (Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш сиёсати ва амалиёти) 1-қисмида ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тиизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупцияга қарши ҳаракат қилиш борасида, жамият иштирокига ёрдам берадиган ҳамда ҳуқуқтартибот, оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни керакли даражада бошқариш, ҳалоллик ва содиқлик, ошкоралик ва маъсулиятлилик тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади ёки олиб боради дейилган<sup>1</sup>.

Шунингдек, ушбу Конвенциянинг 6-моддасига кўра ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, қуйида кўрсатилган чоралар ёрдамида, коррупциянинг олдини олиш ишларини амалга оширадиган орган ёки, тегишли ҳолатларда, органлар мавжуд бўлишини таъминлайди:

а) мазкур конвенциянинг 5-моддасида тилга олинган сиёсатни олиб бориш ва тегишли ҳолларда, бундай сиёсат олиб борилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

<sup>1</sup> Ugli O. B. I. Risks of the use of financial technologies for money laundering and terrorism financing: typologies and forecast //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 08. – С. 15-19.



б) коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича билимларни кенгайтириш ва тарқатиш<sup>2</sup>. Ушбу қоидалардан кўриниб турибдики, коррупцияга қарши курашишда давлатлар ўз қонунчилик тамойилларига асосланган ҳолда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган норматив ҳужжатларни яратади ва ушбу жараёни амалга оширувчи давлат органларни ташкил қилади. Бир қанча хорижий мамлакатларида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришга қаратилган маъмурий нормалар комплекси ишлаб чиқилган. Финляндия, Сингапур, АҚШ, Канада, ГФР, Франция, Нидерландия каби мамлакатларда ишлаб чиқилган давлат хизмати тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Халқаро Транспареншин Интернешнл ташкилотининг маълумотларига кўра, коррупция даражаси энг паст бўлган давлатлардан бири Финляндия ҳисобланади.

Мазкур давлат роппа-роса ўн йил (1995-2004 йиллар) коррупция даражаси энг паст бўлган давлатлар ичида 1-ўринни эгаллаб келган. Кейинги йилларда ҳам кучли бешталикка кирган. Шуниси эътиборлики, Финляндия Жиноят кодексида “Коррупция” деган тушунча мавжуд эмас. Унда мансабдор шахсларнинг порахўрлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бундай жиноятни содир этган мансабдор шахслар учун қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига қараб жарима ёки 4 йилгача бўлган муддатга турмага қамаш жазоси татбиқ этилади. Ажабланарлиси, Финляндияда коррупцияга қарши кураш ҳақида махсус қонун мавжуд эмас, коррупцияга қарши курашувчи махсус орган ҳам тузилмаган. Коррупцияга умумий жиноятчиликнинг бир қисми сифатида кураш олиб борилади. Финляндия Конституцияси, Жиноят кодекси, Фуқаролик хизмати тўғрисидаги Қонун, маъмурий бошқарувга оид йўриқномалар ва бошқа қонуности ҳужжатлар коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳужжатлар ҳисобланади. Буларнинг орасида энг муҳими Ахлоқ қоидаларидир. Финляндияда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳужжатлар ижроси устидан назорат мамлакат Президенти томонидан тайинланадиган, бироқ, мутлоқ мустақил фаолият юритувчи Адлия канцлери ва парламент вакили Омбудсман томонидан олиб борилади.

Тарихда коррупцияга қарши олиб борилган курашларга мисоллар кўп бўлган. Муқаддас динимиз – ислом ҳуқуқида ҳам пора олиш қораланган ва бундай ҳаракатни содир этган оғир гуноҳ ҳисобланган<sup>3</sup>.

Мисол учун, Абу Бакр розияллоху анху халифа бўлганларидан кейин зиёда бўлган молларини меҳнат туфайли эмас, мансаб туфайли кўпайган, деб эътироф қилдилар ва Байтулмолга қўшилиши керак, деб топдилар (вафот этганидан кейин унинг болаларини кўтариб юрадиган нубалик қул ва унинг боғини суғоришда ишлатиладиган туя чиққан, холос).

Бу иш у кишидан кейин бўладиган Ислом давлати бошлиқларига ҳам вожиб бўлиб қолди. Мансабдан фойдаланиб молу-мулк орттириш шубҳаси бўлмаслиги учун, мол-

<sup>2</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.)

<sup>3</sup> Отабоев Б. Иные меры уголовного правового воздействия: теоретическое обоснование на примере Республики Узбекистан //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 1-6.



мулкни зиёда қилишга умуман рухсат бўлмаган. Умар ибн Абдулазиз халифалик вақтида давлатнинг ишини қилганда, давлатнинг шаъмидан, ўзининг ишини қилганда ўзининг шаъмидан фойдаланганлиги ҳақида ривоятлар бизгача етиб келган<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январь кундаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»<sup>5</sup>ги қонунида коррупция жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган бир қанча нормалар мавжуд. Унда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб улар қуйидагилардан иборатдир: – аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; – давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш коррупцияга қарши курашишнинг асосий чоралари бўлмиш ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштиришни, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа бўлган ижобий муносабатга етишиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқий фаоллигини таъминлашни ўз ичига олади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январь куни “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Президент Фармонида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазибалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!” деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш;

- ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

- аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун

<sup>4</sup> \* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Криминология кафедраси катта ўқитувчиси 1 Интернет манзили: <http://islom.uz/content/view/415/111/>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январьдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.



ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

- давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзили ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосида йўлга қўйиш;

- оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларида кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

- юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш. Шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда “шахс – жамият – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этиш<sup>6</sup> белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида фаолият олиб борадилар ва ҳар бирининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари мавжуд.

## References:

1. Ugli O. B. I. Risks of the use of financial technologies for money laundering and terrorism financing: typologies and forecast //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 08. – С. 15-19;
2. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.);
3. Отабоев Б. Иные меры уголовного правового воздействия: теоретическое обоснование на примере Республики Узбекистан //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 1-6;
4. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Криминология кафедраси катта ўқитувчиси 1 Интернет манзили: <http://islom.uz/content/view/415/111/>;

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги Фармони // Халқ сўзи. – 2019. – 10 янв



5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.